

Пазарул З.Н.КУРОВА



Бүз түргайши
навои





Плазагул ЗАКИРОВА

*Бўз тўрғайнинг
навоси*

*Шеърларни қирғизчадан
Розия ХОЛХЎЖАЕВА
таржима қилган.*

Жалолобод – 2017





Серкүёш юрт куйчиси

Қирғиз Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Тазагул Закирова 1948 йили Сузок туманидаги Қачқинчи қишлоғида ўқитувчи оиласида туғилган.

У 1963 йилдан буён қалам тебрати. Ўзининг қарийб ярим асрлик ижоди мобайнида ўнга яқин шеърӣ тўпламларни нашр эттирди. Булар “Шеърлар”, “Сехрли туйғулар”, “Бўз тўрғайнинг наволари”, “Муқаддас шахрим”, “Олатоғим - масканим” ва бошқалардир. Шоиранинг “Ириснинг тақдири” китоби қирғиз, рус ва инглиз тилларида чоп этилган. “Муқаддас шахрим” тўплами Мўлда Нияз номли республика мукофотиға сазовор бўлди.

Т. Закированынг шеърлари 20 дан зиёд жамоавий тўпламларда чоп этилди. Унинг асарларини рус, ўзбек, қозок, грузин, туркман, турк ва инглиз китобхонлари ўз она тилларида ўқишмоқда. Бу шеърлар чуқур фалсафий ғоялар билан суғорилган бўлиб, бугуннинг дардини ўзида ифода этади. Қирғиз бастакорлари томонидан унинг бир қанча шеърларига куй басталанган.

Таниқли шоиранинг ижод намуналари “Туркиядаги қирғиз поэзияси антологияси”, шунингдек, Сорос-Қирғизистон фонди томонидан 2000 йили нашрдан чиқарилган “Қирғиз шеърӣанти антологияси”ға киритилган. Шоиранинг батафсил таржима ҳоли билан “Қирғизистон элитаси - 2004”, “Қирғи-

зистон аёллари – 2008”, “Фарғона водийсининг маданият ва санъат ходимлари - 2008” китоблари орқали танишиш мумкин.

Т. Закирова жамоат арбоби сифатида қирғиз тилига давлат мақоми берилиши йўлида кўп жон куйдирди, шунингдек, Қурмонжон додхоҳнинг 180 йиллигини, Ўш шаҳрининг 3000 йиллигини нишонлаш, Қурмонбек ботирнинг мақбарасини тиклаш ишларида фаоллик кўрсатди. Бундан ташқари, унинг ташаббуси билан қирғизнинг машҳур аёллари ҳақида бешта - “Ириснинг тақдири”, “Урқия издошлари”, “Бопонинг бахти”, “Анипа ва қирғиз сурмаси”, “Қурмонбек ҳақида қисса” хужжатли фильмлари суратга олинган. Бу фильмлар рус тилига таржима қилиниб, Швеция ва Голландияда намоиш қилинди.

Бугунги кунда Тазагул Закирова Ўш шаҳрида яшаб ижод қилмоқда. У яхши шеърлар ёзиш билангина чекланмасдан, ўзини лидер аёл сифатида намоён этиб, республикамизнинг маданий равнақига зўр ҳисса қўшиб келаётир.

Кўлингиздаги тўпламда серқуёш юрт куйчисининг шоира Розияхон Холхўжаева томонидан ўзбек тилига таржима қилинган бир қанча шеърлари ўрин олган.

Бугунги қирғиз шеърятининг ёрқин юлдузларидан бири ҳисобланган Тазагул Закированинг ўзбек тилига ўгирилган шеърлари сизларга манзур бўлишига ишончимиз комил.

Ботиржон ҒОЗИБОВ,

ёзувчи ва шоир.

Ватанимнинг эшиги

Сузоғим, меҳрингга ҳеч тўёлмадим,
Сен менинг ёзилмаган хуморимсан.
Қайда юрмай, шамойилинг қароғимда,
Сен менинг юракдаги туморимсан.

Қачон борсам ризким бутун,
Доим очиқ кучоғи,
Ватанимнинг серхосият
Жалолобод, Сузоғи.

Кўгартингнинг булоқлари – об-ҳаёт,
Тупроғингнинг ҳар зарраси тўтиёдир.
Ялангоёқ кезсам тоғу тошларингни,
Тароватинг минг бир дардга мўмиёдир.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг шоирага,
Ҳеч маскан йўқ Жалолобод, Сузоқдай.
Хизрсифат қариялар суҳбати,
Ўғитлари оби-ҳаёт булоқдай.

Ҳиссаси зўр бу масканнинг гуллашида
Арзибай, Закирларнинг манглай терин.
Юрагимга энг яқини бу Ватанда
Жалолобод, Сузоқ деган қирғиз ери.

Икки гўша – Жалолобод, Сузоқ деган,
Ота юртнинг тарихида икки зар лавҳа.
Жалолобод, Сузоқ менинг қўш бешигим,
Тақдиримнинг битигига шулар сарлавҳа.

Қачон борсам ризким бутун,
Доим очиқ кучоғи,
Ватанимнинг серхосият
Жалолобод, Сузоғи.

Муқаддас йўл

(Отам Зокир, онам Анорнинг хотирасига бағишлайман)

Кагга йўлда келмоқдаман охиста,
Кўз олдимда рўйи замин намоён.
Рухиятим эркалаган манзара -
Одам бисёр, ризқ-рўз сероб, фаровон.

Сафар олис, кўринмас йўл адоғи,
Учқур хаёл гардишида Куёшнинг.
Хузури бор шаббоданинг ва яна
Товонимга таниш тупроқ, кум, тошнинг.

Минг бор юрмай, лекин сири нимакин
Бу хон йўлнинг элдан, юртдан яширган?
Йўл тилсимин очмаса ҳам майлига,
Мен сирымни азиз йўлдан яширмам.

Бу азиз йўл барчамизга баробар,
У рамзидир сахийликнинг, тўғриси.
Эртаю кеч топтаб унинг кўксини,
Ундан ўтар шоҳу гадо, ўғриси.

Жаҳонгашта сайёхлару савдогар,
Ушбу йўлди барчасининг тандаси.
Тобут ўтган, келин тушган арава...
Турли-туман йўловчидир бандаси.

Одам насли - чумолининг нусхаси,
Йўл азобин сезмас сира афтидан.
Йўл умрига умр кўшар ҳаракат
Гувиллаган моторларнинг тафтидан.

Ёвга кетган фарзандига интизор,
Йўлни ювган оналарнинг кўз ёши.
Барчасига гувоҳ бўлган юз йиллаб,
Тугамайди йўлнинг метин бардоши.

Ишчи, деҳқон, қўй ҳайдаган чўпонни,
Барчасини манзилига йўл элтар.
Мен ҳам улар сафидаман азонлаб,
Қачон бўлсин, ҳаммамизга йўл етар.

Йўл бошланар остонамдан - уйимдан,
“Тангрим қўллаб, йўлинг бўлсин!” дер ойим.
Авжи баланд ҳисларимга ҳамоҳанг,
Йўловчига йўл куй чертар мулойим.

Душманларим

Ниқоб - риё юзларида,
Иккиланмай сотганларим.
Оёғимдан чалолмаса,
Ғам-ғуссага ботганларим.

Нафим тегса раҳмат демай,
Ичқиринди ютганларим,
Хизмат қилиб умрим бўйи,
Ҳеч ёқмадим, душманларим.

Сизларники эди доим
Келганинда уйим тўри.
Дўстдан душман чиқиб турса,
Бу ҳам экан инсон шўри.

Дил сирларим сизга маълум,
Очаверинг, хаскашларим.
Кун нурин ҳам кўрмай раво,
Тубан кетган пасткашларим.

Қийиб ризку рўзларимни,
Доим базм кутганларим,
Шон-шуҳратим ҳаволанса,
Заҳар-заққум ютганларим.

Мен яйрасам кўтарилар
Қон босими бениҳоя.
Бир-бир босиб олға кетдим,
Улар менга пиллапоя.

Куйса ҳамки қувончимдан,
Ғараз билан келадилар.
Тумов бўлиб акса урсам,
Уқмай қолса ўладилар.

Душманликдан дўстимга ҳеч
Айланмаган душманларим.
Қозигига Пегас тулпор
Бойланмаган душманларим.

Кўпириксиз ҳасад деган
Қирғокдасиз, душманларим.
Менга содиқ итимдан ҳам
Йироқдасиз, душманларим.

Пойгадамиз, мен – олдинда,
Келмас сира кутганлари.
Заволимни кўролмасдан,
Армон билан ўтганларим.
Бахиллигинг мукофоти -
Менинг ютуқ ютганларим.

Дўстлик оҳанглари

Қирғиз, қозок, ўзбегим,
Бари иноқ бегумон.
Барчасига ошиён
Серхосият бу макон.

Турк отанинг наслимиз,
Эъзозлайлик бўркини.
Ахилликда очамиз
Қирғизистон кўркини.

Қирғиз, ўзбек, қозоғим,
Ўрис, туркман, испан ҳам
Бир оҳангга йўргалар
Элга Наврўз келган дам.

Мен ўзбекман, ифтихорим –
Тақдиримда шу Ватан.
Дуторимиз, кўмизимиз
Битга куйни куйлаган.

* * *

Қирғиз дўстим, ватандошим, шерюрак,
Қозоғига тайёр қамчи, самани.
Қисмати бир, феъли дарё қирғиз-ла
Иккисининг Қирғизистон ватани.

Бир ёнғокнинг кўш палласи,
Ҳамоҳангдир юраги.
Шу ватаннинг бешигида
Уларнинг кўш йўргаги.

* * *

Испан қизи, рақсга туш,
Тарасин дил хумори.
Кўксимизни тарк этмасин
Дўстлигимиз тумори.

Парвоздаги қанотим

Учқур умр елар дулдул мингани,
Бир кун ёрти, бир кун тугал ашъорим.
Тангрим берган избосарим-қизгинам,
Шудир менинг ҳаётдаги мадорим.

Фарзанд ҳиди мени майсиз этар маст,
Ўзим ерда, хаёлларим самода.
Қиз бахтини тилаш элим удуми,
Эртаю кеч қўли доим дуода.

Қизим - менинг парвоздаги қанотим,
Яқин қилган еру осмон орасин.
Толеимни тугал қилган неварам,
Бошим кўкда бир ҳидласам боласин.

Бир кам дунё, гоҳо кўнглим ғаш бўлар,
Турмуш савил ўру қирли, чигалдир.
Бахтим бутун болам учун шеър ёзсам,
Она бахти фарзанд билан тугалдир.

Ғаламислар ниқоби

Дастурхоним мўл эди,
Сероб эди жизу биз.
Бошимга иш тушганда
Башараси очилиб,
Гумдон бўлди “сизу биз”.

Омад менга юз бурса,
Бўлар эди гиргиттон.
Кулфат тушгач бошимга,
Байрам қилди ўша кун
Кўйнимдаги бу илон.

Сохта кулги афтида,
Кўлтигида махфий тош.
Қитмир нигоҳин кўриб,
Кўзларимга инди ёш.

“Тўнғиз” кўп бор яйраган
Сахий уйим тўрида.
Бахиллиги мендан ҳам
Кўпроқ ўзин шўри-да!

Қор

(Оқ шеър)

Адир, қирга оппок янги қор ёғди,
Ташна эдик катта-кичик, ҳаммамиз.
Ахлат-пахлат қолди “чойшаб” тагида,
Чор-теварак бўлди қордан мусаффо.
Дов-дарахтлар жозибали либосда,
Оқ шоҳига ўранган ёш келиндай.
Оқ бўёгин аямаган рассомдай

Як ранг суртди мўъжизакор табиат.
И Асфальт билан сўқмоқларнинг фарки йўқ,
Т Оқ тунука, қамиш ёпган уйи бир.
Қ Қомати бир олма билан олчанинг,
Д Бир кўрпада ухлар инок қуму тош.
Олам сирли сукунатнинг ичида,
“Ором” куйин ижрочиси - қор тушди.

Қизлик давр

Юракнинг тафти нур берган,
Ёшликнинг ёнган чироғи.
Қизлармиз тўлин ой мисол,
Фаро Охунинг ўйноқ улоғи.
Ўзла Бақамти юрса висолда,
Қиз Ўйигитнинг чоғдир димоғи.

Қизгалдоқ гулга эгизмиз,
Қулгимиз тоғнинг булоғи.
Джон Сарсари елдан саркашроқ
Таш Қизларнинг димок, фироғи.
Бон Узукка кўздек ярашган
Бўй етган қизнинг ёш чоғи.

Бир ҳам дунё, тоҳо кунтўям гап бўлар.
Тур Қоматига маҳлиё
Бахт Ўйигитлар кўзи, қароғи.
Она Қиз бола юрса, ҳавасда
Охунинг бежирим оёғи.
Ўйигитнинг тақдир шериги
Қиз бола - уйнинг чироғи.

Боқий хазина

Бу замонда дунё тўла бўғча кўп,
Ундан баҳра ололмайди онг, юрак.
Майли, яшай зарга чўммай, фақирдек,
Лек дилимга шеър - покиза мулк керак.

Йиғласа чин, сохта кулги унга ёт,
Боладек пок, ғирром ўйин билмаган.
Устун бўлса душманга ҳам тан бериб,
Амалдорга ҳеч хушомад қилмаган.

Ҳазар қилган ҳаром-хариш бойликдан,
Ҳаволаниб, шабкўр қилмас кўзини.
Тили бийрон, илҳомга қон бу булбул
Эзгуликка фидо қилган ўзини.

Пок чашмага сукиб нопок тумшуғин,
“Булбуллик”ка даъво қилса “қарға-зоғ”,
Авж пардадан олармиз биз қасдма-қасд,
Туширмасдан шоир деган номга доғ.

Мол-мулк тўла турли-туман бўғчалар,
Разм солсанг, ел ўтмаган бир пўкон.
Шеърят-чи, умри боқий хазина,
Бойлик эса кўл киридек бир дўкон.

Як раи *Бўз тўрғайим*

Бўз тўрғайим, ҳаволаниб,
Кутиб юрдинг чин бахтингни.
У ўзгага юз ўгириб,
Барбод қилди ишқ - нақдингни.

Бевафолик қилди сенга,
Алмаштирди дастрўмолдай.
Лек азоби колди мерос,
Дилга чиққан зўр ҳасмолдай.

Дилинг йиғлаб куйласанг ҳам,
Кўрсатмадинг кўзда ёшинг.
Еру осмон куйга тўймай,
Бўлди сенинг чин сирдошинг.

Омади йўқ илк муҳаббат
Ўз дардига топмай даво,
Мангуликка куйлар бўлди
Армон билан ҳазин наво.

Митти вужуд, қайдан топдинг
Бунча улкан куй-дарёни?
Тонгдан кечга бўзламасдан,
Унут энди бевафони!

Қоматига махлиё
Йиғитлар кўзи, қароғи.
Қиз бола юрса, ҳаваси
Оқунинг бежарми оёғи.
Йиғитнинг тақдир шериги,
Қиз бола - уйининг чароғи.

Халоскорим

“Туёғи бутун тулпор йўқ,
Қаноти бутун шунқор йўқ”.
“Қурманбек” достонидан.

О-о табибим - фурсатгинам,
Давосин топ, сақла жонни!
Қисмат менинг манглайимга
Ёзган экан дард - хижронни.

Ёр кўнглини буролмади
Шайдолигим, волаларим.
Зомин бўлди ёшлигимга
Ҳазон бўлган лолаларим.

Қалбга мухр босган эди
Бўсаларнинг қайноқ тафти.
Дилга расмин чизган эди
Висолдаги ёрнинг афти.

Тўққиз минг кун илҳақ қилиб,
Омад мендан тониб кетди.
Тўққиз минг тун кутган умид
Ора йўлда қолиб кетди.

Соғайтирмай ойлар, йиллар
Жон азоби жароҳатни,
Фурсат, табиб эмасмидинг
Боз кўпайтдинг қабоҳатни?!

Азоблардан халоскорим,
Вақт, сенсан, сен албатта!
Тиғ устида кўзларим тўрт,
Умид тўнғич муҳаббатда!

Соғинч

Ястанган кўлим поёнсиз,
Тумордай азиз элимга.
Қадрдон таниш тўлқинлар
Махлиё яна шеъримга.

Ҳисларим тўлқин кифтида,
Сарсари, сархуш сайр этар.
Гоҳ ўпиб соҳил лабини,
Ичкари томон боз кетар.

Тўлқинлар ўпар оёғим,
Ёзолмай эски хуморин.
Хаёлим сенга талпиниб,
Аримас дилдан ғуборим.

Соғинчинг денгиз тузидай
Вужудим ёпган оқариб.
Ҳижронда қолган хаста дил,
Соғаяр қачон тозариб?

Ошуфта шамол бетиним
Сочларим айлар паришон.
Ютоқиб ўпар юзимдан,
Раш қилиб сендан, ёр, инон...

Соҳилда ёлғиз оқ қайин,
Япроқлар қуйлар армонин.
Ёмғирга ташна баҳорим,
Қара-чи, куриб қолганин.

Қайиқда аҳил кўш эшкак,
Бақамти солар изини.
Ёлғизлаб қўйди бу қисмат,
Висолга ташна қизини.

Сайрда ҳижрои кўлининг
Кўринмас бошу оёғи,
Соҳилда сениз куйласам,
Файзсиз шеърим бўёғи.

Энди келдингми?

Ўтди баҳор гуллаган
Сенсиз паришон.
Кўрмадим рухсоринг,
Боиси - ҳижрон.
Ёз келди фарахли,
Булбул чаманда.
Айрилиқ азоби
Боз яна танда.
Дардимнинг давоси
Ёр, энди санда...

Ёнма-ён гул териб
Бирга юрмадик.
Серҳосил куз келди,
Бизлар кулмадик.
Кеч келдинг, санадим,
Резги ҳазонни,
Сен энди келдингми
Қийнаб бу жонни?
Йўлингга термулдим,
Хасрат аримай.
Ҳижрон чўккисига
Висол даримай.
Ўзингсиз тонг отди,
Сенсиз кирди тун,
Сен энди келдингми
Дилни қилиб хун?

Нега кеч кўргуздинг
Меҳру вафони?
Хайрият, енголдим
Ҳижрон - жафони.
Майли, кеч келсанг ҳам,
Ҳижронга - хайр.
Қолган шод умримиз -
Бақамти сайр.

Оқбура соҳилида

Ёзги яшил чаманни
Ёмғир ювар хўб танти.
Соҳил бўйлаб кезиб юрдим,
Хаёлда сен бақамти.

Шаррос қуйган ёмғир тиңди,
Бу келиши хатодай.
Булут қолди осмонимда
Бир бойлам оқ матодай.

Оқбурапинг забти кучаб,
Оқар тошлар тўнқариб,
Дарёга куч берган ёмғир
Келар умид ўнғариб.

Ёмғир забти, дарё шашти
Ўхшар бизнинг туйғуга.
Бирок икки соҳилда биз
Асир бўлдик қайғуга.

Жала қуйиб, сув тошиши
Ўзгача бир маҳобат,
Бундай дамда ёдинг менга
Бағишлар зўр ҳаловат.

Соҳил бўйлаб сарсари мен,
Хаёлан биз биргамиз.
Дарё тошиб, ювмай шояд
Сенга мендан қолсин из.

Бевафоларга

Ғам юкидан белим бўлиб беланги,
Туриб кетиш беҳад мушкул бўлган дам
Чор тарафдан нажот излаб термулиб,
Кўп қийналдим тополмасдан бир ҳамдам.

Бир бегона шахдам олиб қўлтиқдан,
“Бардам бўл!” деб кадимни тик қилиб кетди.
Нафим теккан ҳиммати йўқ ошноларим
Бирма-бир тизилишиб кўздан ўтди.

Вақти келса ашъорни ҳам четга суриб,
Улар учун жоним нисор этган эдим.
Юрагимни бахш этгандим, эвазига,
Ажаб, бу кун бевафолар пандин едим.

Дўстларим кўп... оби-ҳаёт бу умрда...
Деб ўйлардим, умидларим сароб бўлди.
Бошимга иш тушиб бир кун очилгач кўз,
Кўзимда ёш, вайрон дилим ҳароб бўлди.

Сахий қалбим бу кун чекди кўп азият,
Бевафолар мени ғамга солиб кетди.
Кучоғимни очганларим инсонмиди,
Ё оғули илонмиди? Билолмасдан
Хаёлларим чангалзорда қолиб кетди.

Ҳаёт сўқмоқлари

Хазонрезги куз бошланди, ортидап
Кўргизади қаҳратон қиш юзини.
Қиров иниб, қишдан дарак келтиргач,
Курт-кумурска йиғар ризку рўзини.

Тирик жонки, қиш ғамида безовта,
Жондан ўтар рўзигорнинг озори.
Яшаш учун кураш кетар турмушда,
Авжга чиқар мардикорлар бозори.

Тарозиси пасту баланд ҳаётнинг,
Гоҳи йиғлаб, гоҳ қувнаб шеър ёзаман.
Тирикликнинг юки тушмас елкадан,
Кулфат босса, ранги-рўйдан озаман.

Қисмат савил доим бизнинг манглайга
Гоҳ ўнг қўяр, гоҳ терс қўяр кафтини.
Яшаш – кураш, гоҳи енгсанг, енгилсанг,
Сендан омад терс ўгирса афтини.

Ўзинг эмас, ўзгаларнинг бахти-чун
Суворийсан, доvon сари ўрлайсан.
Одамсанки, бўронларни енгиш-чун
Ўз-ўзингни доvon сари зўрлайсан.

Олисларда чорлар умид шуъласи,
Етмоқ учун жонинг ҳалак интилиб.
Қад ростлашга колмаса гар мажолинг,
Эмаклайсан тиззанг, тирноқ титилиб.

Мадад берар холис ният бандаси,
Ортга тепар ғаламислар, бахиллар.
Барчасига гувоҳ ўзи Худойим,
Вақти келиб ўзи қилар сарҳисоб.
Ўша қуни барча риёкорларни
Дўзах ўти қилгусидур жингиртоб.

Олимлар Сузогим

Маконим жаннат Сузогим,
Элимнинг қутлуг бешиги.
Юрагим урар сени деб,
Ҳар гўшанг толе эшиги.

Сақлаган элин ёвлардан
Курманбек, Нусуп яроғи.
Кўгартга доим ташнаман,
Минг дардга даво булоғи.

Чийбил бий билан Кўккўз бий,
Меросга қолган кўн иши.
Тугбардор бўлган элига
Сайдахмат қози - дониши.

Куну тун қирғиз элим деб,
Ботирлар ўрлаб, бел ошган.
Сарҳадда Ватан посбони,
Яратган билан сирлашган.

Йигити хушёр соқчиси,
Хох қондуз бўлсин, кечаси.
Олимлар билан ботирлар
Сузоқдан чиққан нечаси.

Юз йилда бир бор келгувчи
Барписи чиққан Сузоқдан.
Ортидан қолди зўр мерос,
Шабданбой билан Узоқдан.

Олимлар Мухтар, Жапари,
Улардир кони тафаккур,
Бизларга берган буларни
Тангрига дейман: “Ташаккур!”

Интизорлик

(Адиба Кален Сидиковага)

Шовуллаган тераклар,
Шивирлайди япроғи.
Зора келиб қолса деб
Сенга маҳтал қароғи.

Кўзга посбон кипригим,
Уйқуни тарк этишди.
Мени бошлаб кўчага,
Сенга пешвоз кетишди.

Шаббодалар сар-сари,
Бориб келди неча бор.
Остонада ўлтирар
Илинж сенга интизор.

Тугён урган ўзан-сой -
Сенга ташна чавандоз.
Кўпирикда кутмоқчи,
Хаёл тўшаб пояндоз.

Кўл телефон сим қоқди,
Ўзинг бўлгин илойим.
Мададкори илинжнинг
Ўзингдирсан, Худойим.

Олтиндан қиммат кепак

(1916 йилги қирғиз кепаги)

Ботир қирғиз от йўлида ўйнаган,
Отда енгиш — эр ўйинга тўймаган.
Эл ташвиши алмисокдан елкада,
Тоғдан туриб келажакни ўйлаган.

Кўхна тарих китобини ўқисанг,
Эшитилар мазлум халқнинг ноласи.
Оқ пошпонинг аскарлари бешафқат
Итдек отиб, қирган қирғиз боласин.

“Шафқат қилинг!” деган сўзга тупуриб,
Илдизини қуритмоқни кўзлаган.
Бечора эл жон кўриниб кўзига,
Олатоғни ташлаб қочиб бўзлаган.

Қаттол замон хотираси зил-замбил,
Тоғда ўлик тоғдай бўлиб уйилган.
Қанчалари манзилига етолмай,
Қочкинларнинг сафи беҳад суюлган.

Тиловату парча кафан буюрмай,
Мазлумларнинг ози қолиб, кўп ўлди.
Бечора халқ Хитой сари етгунча
Ўлганлари кузгунларга ем бўлди.

Егуликка ўғил сотиб, қиз сотиб,
Гўдак эмди ўлик она сийнасин.
Золимларнинг дастидан зор кепакка,
Умид билан кутди лекин эртасин.

Кепак асли овқат эмас, чиқинди,
Тандирдаги ҳаётбахш нон рамзи.
Бошга тушса, кўз кўрмасдан илож йўқ,
Чакса кепак бўлган эди жон рамзи.

Йиғлар юрак

(Оқ шеър)

Йиғлар юрак
Кўк майсали боғ оралаб юрганда.
Йиғлар юрак
Сувсизликдан ҳолдан тойган гул кўрса.
Ниҳолларда куртак кулса,
тирикликнинг жилваси,
Дунё кезар хаёлларим,
бир лаҳзага тин олмай.
Йиғлар юрак хотирадан
оқ қайинга йўланиб,
Эслар сени ўшал боғда
тонгга пешвоз дамларни.
Юрак чидар топмаса ҳам
шафқат билмас хотира.
Олиб келиб чолдеворли
армон деган овулга.
Тўп ўйнаган майдончамиз
мунғаяди сенингсиз,
Қанча гуллар сўлиб, яна “тирилди”,
баҳор келиб, куз кетди.
Тўп ўйини давом этар,
энди бунда биз йўкмиз,
Биз каридик, бу висолгоҳ
энди ёшлар манзили.
Субҳидамни қаршилаган
йигит-қизлар бақамти.
Энди иниб сочга қиров,
элликдаги чол-кампир.
Кимга кулиб толе деган,
кимдандир юз ўгирди.
Йиғлар юрак дуч келганда
меvasи йўқ оғочга,

Хотирада бор экансан,
бор эканман - бу ҳикмат,
Жонга жафо соғиниш ҳам
тирикликнинг жилваси!

Олма ҳидли...

Олма ҳидли асалгинам,
Дилгинамнинг хушлагани,
Вужудимни ўртаб борар
Қўлларимдан ушлаганинг.

Чикди пешвоз қайноққина
Бўса талаб дудоқларинг.
Жонга хузур бағишлайди
Нозик, сирли сўроқларинг.

Чор тарафда олма ҳиди,
Қилар ажиб ҳисга ошна.
Парвоздаги кўнгил куши
Висол деган тўрга ташна.

Тақдиримга сайёд бўлдинг,
Тузоқ кўйиб эртаю кеч.
Таслим бўлдим, энди менинг
Тоқатим йўқ хижронга ҳеч!

Хотира

“Юлдуз тўлди” деган гап ҳам бор,
Бугун ундай бўлмайди сира.
Менга сирдош мукаддас неъмат -
Шеър ўқилар мунгли, соҳира.

Бақа куйлаб ёмғирни кутгай,
Кафтдеккина соғинч - соҳил бор.
Ой тўлганда шеърхонликка кел,
Гўзалликка бўлсанг интизор.

Бурдаланиб ишонч риштаси,
Дўлга айланиб тўқилар ерга.
Хотирани уйғотиб аста,
Булоқ куйи жо қилар шеърга.

Жунжиктирар армонли хисни
Хотиралар совуқ шамолдай.
Даф қилмоқчи бўлиб бу тунни,
Юлдуз кезар тирқиш тополмай.

Оқибатсиз бундайин тунга
Ой нури ҳам увол эмасми?
Тонг, отавер! Армонли кеча
Хотирага завол эмасми?

Соҳилдаги манзара

(Оқ шеър)

Оши бисёр, тайёр емак, ётоғи,
Товонини эркалайди майин кум.
Олачипор куйган сонлар, елкалар,
Аллалайди ҳузурбахшли кўл суви.
Бу яланғоч баданларга кум кўнган,
Кўравериб безор бўлган кун кўнган.
Куймичларни, сийналарни сийпалаб,
Шамолнинг йўқ бир лаҳзага кандаси.
Диккинафас кўл тўлкини қирғоққа
Калла қўйиб, қайтиб кетиб чорасиз,
Ховур бўлиб - оқ кўйлигин елвагай..
Чўккиларда йиртиб олиб аламда,
Тоққа қайда бу сонлардай сув кечиш?...
Ёш-қари тенг, ҳаё қочган соҳилдан,
Уялгандан чўкиб борар кўлда сув,
Бу яланғоч ватандошлар аксари
Билишмайди чалғи, кетмон нелигин.
Жирканади чўпон-чўлиқ касбидан,
“Узат-узат нимаи-чун йўқ” деб юриб.
Оромкурси, курортларга кўнишган,
Қайишмайди қадок қўлли кимсага.
Улар мансуб фармонбардор аҳлига,
“Билагонлар” сояни тарк этишмас,
Юзга тортиб меҳнаткашлик никобин.
Куёш сочар нурин бирдек ҳаммага,
Эркалатар кўл ҳам бирдек барчани..
Тер тўкишиб ишлар аёл, чолгача,
Ҳазар қилмай неки меҳнат туридан..
Оши бисёр, тайёр емак, ётоғи,
Кўлда авжда “келгиндилар бозори”.

Висол орзуси

Келгин, бирга тонглар кутайлик,
Бадр қилиб кўқда хилолни.
Кучоғимга умид тўлдириб,
Тангрим насиб қилсин висолни.

Ўтказайлик умр онларин,
Суриб ҳаёт нашидасини.
Ёдимдадир бирга сайрлар,
Юрагингнинг тинглаб сасини.

Кел, азизим, бирга куй тинглаб,
Банди бўлиб ҳислар мавжига,
Пайванд бўлса оташ нафаслар,
Ишқ гулхани чиқар авжига.

Равшан қилиб кўнгил кўчасин,
Гурилласин муҳаббат - олов.
Орзу миниб, ёлин тарайлик,
Қамти чопсин икки дил - бедов.

Кўп авайлаб ишқнинг кокилин,
Қиёматлик қилиб ўрайлик.
Соғинишнинг ўтли рақсини,
Куйсак майли, бирга кўрайлик.

Висол бузган ҳижрон кемасин
Лангаридан бўшатсак аста,
Кўзларингни солиб ёдига,
Хайрлашар шарпам шикаста.

Келгин, бирга тонглар кутайлик,
Бадр қилиб кўқда хилолни.
Кучоғимга умид тўлдириб,
Тангрим насиб қилсин висолни.

“Хайр!” сўзи

Хайр сўзи тилни куйдириб,
Жафо солар тандаги жонга,
Қалбга ташлаб армон ҳарсангин,
Хайр сўзи доя ҳижронга.

Хайр сўзин орти қора тун,
То висолсиз қундузга дўнмас.
Рухинг сингиб узлат қаърига,
Кўз ёшларинг измингга кўнмас.

Хайр сўзи - армонли бўса,
Тахир таъми қолар дудокда.
Қалб хувиллаб бўшлиқда қолгач,
Ошиқ аҳли ётар фирокда.

Хайр сўзи ўхшар асалга,
Кўп ейишга бадҳазм неъмат.
Хайр сўзи оғудек аччиқ,
Ишқ аҳли-чун қоронғу зулмат.

Хайр сўзи - жоним-жаҳоним,
Маҳфий сирим унга вобаста.
Бир лаҳзалик “хайр!” сўзига
Бир асрлик маъно пайваста!

Илтижо

Огоҳ қилиб излашларимдан
Эълон тарат, елдиirim, тезкор.
Олиб кетар балки савоб-чун
Қарқиралар бўлса хабардор.

Ғафлат босиб учиб кетмасин,
Аэропортни синчиклаб қара.
Микрофонда аниқ ўқигин
Унинг исмин яна ва яна.
Олиб қолсақ севишим айтиб,
Менинг учун буюк тантана!

Учиш вақти келмаган балки,
Трап сари югурмагандир,
Перрон балки ҳолимас ундан,
Омад юзин ўгирмагандир.

Микрофоним, янграгин тезроқ!
Энг охирги умидим сендан.
Дучор қилиб аччиқ қисматга,
Марҳаматинг қизганма мендан.

Эълон қилгин ахтаришимни,
Туғагунча токи мадорим.
Топмагунча ортга қайтиш йўқ,
Жар солгин, бу - қатъий қарорим.

Кун бўйибулар чиниқсангиз
Касмига
Согини
Кўнсақ!

Омадсиз севги

Шуниси саз - сендан хабар йўқ,
Ахтармайман энди дунёни.
Хато қилиб пешин тутибман
Муҳаббат деб сароб, рўёни.

Жудоликлар кўзимни очди,
Авайлайман энди ўзимни.
Йўқ бахтимни қайдан ахтарай,
Ҳисларимга берсин тўзимни.

Йўл пойлашдан толган кўзларим
Хиралашиб, бўлдилар хаста.
Баҳоналар энди керакмас,
Ишқ олови сўнди-ку аста.

Айриламиз энди йўликсам,
Ўтавергин менга қарамай.
Нафратингни мен ҳам кечирдим,
Сувсизликка кўнган даладай.

Унут бирга ўтган дамларни,
Сўнмоқ учун куйган эканман.
Мен ҳам сени худди ўзингдек
Беҳудага суйган эканман.

Ўкинч

Унутмоқлик осонмиди шунчалар
Ўзинг таслим этган дилим - оролни?
Ваъдаларинг қуюқ эди, ҳаттоки,
Менга раво кўрмас эдинг шамолни.

Ишқ торини чертмоқчийдинг абадий,
Бўлмоқчийдинг кундуз Қуёш, тунда Ой.
Муҳаббатни алмаштирдинг риёга,
Ваъдаларинг орқасидан чикди лой.

Куз “сонатаси”

Кеч кузнинг совуқ шамоли
Баргларни тўкди ёмғирдай.
Ҳазонлар куйи шафқатсиз,
Қалбимни килди ғалвирдай.

Кўп кузлар бўлган гувоҳи,
Кутганим қайтиб қайрилмас.
Умрнинг бўлиб заволи,
Елимшак армон айрилмас.

Ўкинчли ҳислар - мусибат,
Севгига оқсоқ оёғи.
Мевасиз умид ниҳолин
Қолмади ҳатто япроғи.

Таслимман энди чорасиз
Алдамчи умид - сезгига,
Ям-яшил баҳор, куз келиб,
Алмашди ҳазонрезгига.

Кеч кузги ҳазон дастидан
Булоқлар кўзи кўр-басир.
Ўрикзор қолди мунғайиб,
Қисматин таъми кўп тахир.

Баргларни тўкар жаладай
Кеч кузнинг аччиқ шамоли.
Умрни элтар қиш сари
Пурҳикмат кузнинг аъмоли.

Қурмонжон мадҳи

1. Муҳаббат

Ҳар нарсага холис баҳо бермоқ керак,
Хашақидан арғумоқнинг қадри баланд.
Учқун сочган тўрт туёқда армон қолган,
Номуносиб пойга унга берганда панд.

Чавандози мос бўлмаса тулпор шўри,
Қушчиси мос бўлмаса гар шунқор шўри.
Қурмонбек хўр бўлмасди ёв олдида,
Мингани бўлганида отнинг зўри.

Соҳибига панд бермаган шамшир каби
Хислат бўлган ботирларнинг аёлида.
Омад тилаб кузатишиб сафарига,
Ёъоз билан кутиб олган от ёлида.

Минг бир чалиб оёғидан, йиқолмасдан
Асрларнинг алами бор қирғиз - биздан...
Тун пардаси кетди нурли чехрасидан,
Қурмонжон Қулсейитдан тонган кездан!

Лойқа сувдан фориг бўлса ўзан – дарё,
Қирғиз деган элга омад кулган онда.
Муҳаббат, минг тасанно, Алимбекни
Жуфти ҳалол қилдинг асил Қурмонжонга!

2. Мумтоз сулҳ

Алғов-далғов замонанинг долғасида
Тиғ устида одимладик, асаб таранг.
Қўқоннинг, оқпошшонинг зуғумидан
Жон халқумда, чикмай турди аранг-аранг.

Кимгадир саждагоҳи мол-мулк бўлди,
Элин топтаб тўрга ўтди баъзи каслар.
Замонанинг зайли билан чиқар экан
Ўз ичингдан фариштаю ҳам нокаслар.

Ўттиз йиллик хон ўрдасин зуғумидан
Бошимиз чикмаганди ғам, жафодан.
Содик дўстдан кўплик қилиб душманлари,
Алимбек ажал топди бевафодан.

Қурмонжон омад излаб элга келди,
Беш ўғли онасига - беш мададкор.
Алимбек бошлаган иш - хайрли иш,
Ора йўлда қолмаслиги эди даркор.

Туркистонни фатҳ этган учқур оти
Олой сари олиб келди Скобелни.
Тузилди мумтоз битим ўрис-қирғиз,
Тинчликда, омонликда сақлар элни.

Сулҳ чоғи эл тинчлиги бўлди ният,
Шоҳ совғаси тортолмади ўз домига.
Олойнинг маликаси - ноёб ҳилқат,
Ноил бўлди саркардалик мақомига.

3. Шаҳидтепа

Қўштеракка дор тикишди жаллодлар,
Чор тарафин аскар босди бус-бутун.
Селдай оқиб келаётир халойиқ,
Қамчибекни қатл этар кун бугун.

Мазлум халқдан бош кўтариб чиққанни
Махв этиш фотиҳларнинг эрк, таъби.
Йўлбарс юрак маликанинг юраги
Тўлғонади ўтга тушган қил каби.

“Хой халойиқ, кутқар десам ўғлимни,	1
Бир лаҳзада қўпар қирғин, қиёмат.	
Бир ўғлим-чун элим конин тўкайми,	
Болам қурбон, элим бўлсин саломат” -	
Деб малика йўрғалатиб бўз отин,	5
Кетиб борар, дилда тугён, минг нидо.	
Ахли шаҳар унга ҳамдард бу нафас,	6
Бугун дейди фарзандига “Алвидо!”	7
Азадор эл келар эди жунбушга,	10
Бир ишорат бўлса сира тортинмай.	11
Тўраларнинг юзи шувут, боши хам,	11
Қурмонжонга тик қарашга ботинмай.	12
“О қулуним, сенинг наслинг хон ўтган,	14
Ҳақ иш учун шаҳид кетган қанчаси.	15
Мағрур тургин! Шаҳид ўлим муборак! -	16
Аждодларинг қисматин бир парчаси.	17
Эли учун жон фидолик шарафдир,	19
Ожизликдан таслим бўлдим ноилож.	19
Элинг сенга жаннатдан жой тилайди,	21
Бегуноҳсан, тақдир савил бўлди кож” -	22
Деб малика қамчи босиб отига,	24
Бўзлаб кетди, қолиб кетди боласи.	25
Бузиб турди сукут босган дунёни	26
Унга ҳамдард Оқбуранинг ноласи...	27
Қурмонжоннинг “шаҳид-шаҳид” сўзидан	29
“Шаҳидтепа” деб аташди насллар.	29
Ўша дамга гувоҳ икки теракни	30
Эъзозлашар ўтса ҳамки фасллар.	31

4. Матонат рамзи

Чархпалакдек айланганда замонлар,
Чўри бўлган аёл деган қанча жон,
Мингдан битта чиқаркан-да сенингдек,
Раҳнамоси бўлдинг элин, Курмонжон.

Не умидлар сингиб кетди саробга,
Турмуш савил ярми зулмат хонами?
Тиккани ҳам раво кўрмас дор тугул,
Эгам, нечун бунча эздинг онани?

Оғу тушди еган ризку рўзингга,
Лек фарёдинг чиқармадинг сиртингга.
Заковатинг мени солар хайратга,
Осонмиди сарбон бўлиш юртингга?

Талотўплар оқартса ҳам сочингни,
Бой бермадинг “додхоҳ” деган жиловни.
Фотиҳларнинг асоратли битими
Вужудингга сепиб кетди “киров”ни...

3. Шахидгана

Куштеракдан ширини қанди
Чор тарафлардан тиниб қолди
Селлай охиб келадир халован,
Қанидадир, қахлан-архман
Мазлум хали диндор
Мана эдинг қиёс афронига
Нуждани юрак малликанинг юрати
Турмушдан ўла тушган киз каби.

МУНДАРИЖА

Серкуёш юрт куйчиси	3
Ватанимнинг эшиги	5
Муқаддас йўл	6
Душманларим	7
Дўстлик оҳанглари	9
Парвоздаги қанотим	10
Ғаламислар ниқоби	11
Қор	11
Қизлик давр	12
Боқий хазина	13
Бўз тўрғайим	14
Халоскорим	15
Соғинч	16
Энди келдингми?	17
Оқбура соҳилида	18
Бевафоларга	19
Ҳаёт сўқмоқлари	19
Сузоғим	21
Интизорлик	22
Олтиндан қиммат кепак	23
Йиғлар юрак	24
Олма ҳидли	25
Хотира	26
Соҳилдаги манзара	27
Висол орзуси	28
“Хайр!” сўзи	29
Илтижо	29
Омадсиз севги	30
Ўкинч	31
Куз “сонатаси”	32
Қурмонжон мадҳи	33

Чаркпатакни А.Ж.М.У.Д.Н.З.М.р.

Чури бўлган эва деган халқимиз

Мингдан битта мисрафимизни

Раҳнамоси бўлдингизми Қўрғонимиз

Батакнинг эшити

Мундас бўл

Душманларим

Душман оҳанимизни

Бундан қанотимизни

Бундан қанотимизни

Кор

Қизил қор

Болни қизил

Бўз қўрғонимиз

Халқимиз

Сизни

Сизни қилдимиз

Оқдур соҳибимиз

Бонафозимиз

Халқимиз

Сизни

Мингдан

Оқдурдан қилдимиз

Бундан қор

Оқимиз

Халқимиз

Бонафозимиз

Бисмил оқимиз

"Халқимиз"

Батак

Оқдурдан қилдимиз

Бундан

Қўз қонимиз

Қўрғонимиз

Ўзбек тилида
Тазагул ЗАКИРОВА
Бўз тўрғайнинг навоси

• Шеърлар

Мухаррир О. Омонов
Техник муҳаррир Б. Отажонов
Мусахҳиҳа М. Аҳмаджонова

Теришга берилди 25.04.2017.
Босишга рухсат этилди 30.05.2017.
Бичими А5; 2,5 шартли босма тобок.
Адади 200 нусха. Келишилган нархда.

Жалолободдаги хусусий босмахонада чоп этилди.



